

**ЯНГИ ЙЎНАЛИШДАГИ ЎҚИТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА
ИННОВАТЦИОН ҒОЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ****Палванова М***Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти***Қодиржонова Феруза***2-сон Фарғона Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми.*

Аннотация: *Илмий мақолада профессионал таълим сифатини оширишда инновацион ғояларнинг ўрни ва аҳамияти, олий таълимни инновацион ривожлантириш тамойиллари, профессионал таълим сифатини оширишда инновацион ҳамкорликни таъминлаштиришда илгор хориж тажрибалари, профессионал таълим муассасалари инновацион ҳамкорлик фаолиятини ривожлантиришининг илгор йўналишлари, профессионал таълим сифатини оширишининг асосий йўналишлари тўғрисида батафсил маълумотлар таҳлил қилинган. Ушбу мақолада мультимедиа ахборотлаштирилган тизимдан фойдаланилган ҳолда замонавий таълим тизимига ёндашув муҳокама қилинган. Таълим жараёнларида ахборот технологияларидан фойдаланувнинг асосий педагогик мақсадлари ёритилган. Таълим сифатини оширишининг асосий манбааси, ахборот технологияларининг асосий жараёнлари аниқланди. Мультимедиа технологиялар истиқболли ҳамда оммабон педагогик ахборот технологияларининг асосий воситаси сифатида намоён этилиб хулоса ва таклифлар берилган.*

Аннотация: *В этой научной статье обобщены и проанализированы роли и развитие значения инновации в повышении качества образования. Обсужденных вопросы, зарубежный опыт развития инновации в сфере образования, вопросы об основных способах развития в сфере образования - изучены материалы о способах повышения качества образование. Кроме того, в научной статье были разработаны рекомендации по развитию области образования. В данный статье рассматривается подход к современной системе образования с использованием мультимедийной информационной системы.*

Выделены основные педагогические цели использования информационных технологий в образовательных процессах. Выявлены основной источник повышения качества образования, основные процессы информационных технологий. Мультимедийные технологии представлены как основные средства перспективных и популярных педагогических информационных технологий, даны выводы и предложения.

Калит сўзлар: *таълим, инновация, тавсиялар, хорижий тажриба, таълимда ахборот технологиялар, мультимедиа кўрғазмалар, ўқув жараён сифатини ошириш технологияси, электрон ресурслар, сифат кўрсаткичлари, модернизация, ислохотлар, интелект, касб маҳорати, маъданият, ривожланиш.*

Кириш: Фан ва техниканинг жадал ривожланиши мустақил мамлакатимизда таълимни сифатини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Замонавий ҳаётни бугун илим маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди, инсоният фан ўқи атрофида айланаётгандай гўё. Жаҳонинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланаётганлиги ҳам бежизга эмас негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан ушбу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришидаги кўпгина педагогик касблар юксак ривожланган бўлиб, ижодий қобилиятга эга мустақил фикрлай оладиган касб эгаларини жалб қилишни талаб қилмоқда. Юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбар шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат. Шу мақсадда мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишлари зарур. Бунинг учун Профессинал таълим муассасалари тизими, илмий-амалий салоҳияти ва имкониятларини янада фаол сафарбар этиш керакдир. Шиддат билан ривожланиб бораётган давлатда ахборот технологияларининг ўрни нихоятда муҳим саналади, бугунги кунда улар жамиятни интеллектуал қилиш учун, унинг таълим тизими ва маданиятини ривожлантириш жараёнида асос ҳисобланиб келинмоқда. Таълимни ахборотлаштиришда билимларни узатиш жараёнида ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб ахборотлаштиришда қўлланиладигон ахборотлаштиришни синчиклов усулда синаб кўриш ҳамда уларни кенг қўллаш имкониятини талаб даражасида мустахкамлаш. Замонавий ахборот технологияларини таълим соҳасида фаол равишда қўллаш истаги педагогларни тайёрлаш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган бўлмоғи керакдир. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда амалга оширилаётган узлуксиз таълим тизимининг ислоҳоти таълимда кўп қоидаларнинг ўзгартирилишини, илмий асосланган янги тизимнинг шаклланишини йўлга қўйишда ишлаб чиқилган назарий билимларимизни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни тақозо этади.

Ёшларга таълим ва тарбия бериш билан бирга эгаллаган билимларини бевосита ишлаб чиқаришга боғлашда мураккаб вазифаларини ҳал этиш таълим берувчининг ғоявий эътиқоди, касб маҳорати, санъати, истеъдоди ва маданиятига боғлиқдир. Шундай экан, малакали кадрлар тайёрлаш жараёнининг ҳар бир босқичида таълимни самарали ташкил этиш, уни юқори босқичларга кўтариш борасида муайян вазифаларни амалга ошириш лозим.

Тадқиқот методологияси.

Ахборот технологияларини педагогикада қўйидаги мақсадларга ҳам ишлатиш мумкин;

- Ўқитувчини билмини ривожлантириш, уни жамиятда мустақил ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаш, унга мос бўлган билимларни ривожлантириш ахборотлаштирилган тизимда

- Компютерда ишлашнинг конструктив ва алгоритмик фикрлашини ривожлантириш

- Кўшимча бўлган лойиха ва кўрсатмаларни амалга оширишда мулоқот қобилиятини шакллантириш

- Тадқиқот қобилиятларини ва ахборотни қайта ишлаш қобилиятларини яратишда.

Таълим жараёнларини барчасини интенсивлаштириш;

- Ахборотлаштиришни такомиллаштириш, ахборотни қайта ишлаш қобилияти

- Ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали таълим самарадорлигини ҳамда сифатини ошириш

- Рағбатлантирув воситаларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш.

- Турли мавзулардаги муаммоларни ҳал қилишда ахборотни қайта ишлашнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш натижасида фанлар аро узвий боғлиқлик алоқаларини чуқурлашган ҳолатда ўрганиш.

Айни ҳудди шу ахборот технологиялари ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Ўқувчи шахсини ривожлантириш учун кўшимча имкониятларни, ўқув жараёни самарадорлиги ва сифатини ошириш технологиясини кенгайтиради.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим тарбия тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, фарзандларнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб хунарни егаллашлари, жисмоний ва маънавий жихатдан етук инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлаш, уларнинг қобилият ва истедоди, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёшларимиз қалбида она юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини камол топтириш борасида улкан ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида Профессional таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жарайёнини сифат жихатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ичтимой соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш борасида ислохотлар олиб борилмоқда.

Профессional таълим сифатини оширишда инновацион ҳамкорликнинг роли ва аҳамиятини ёритишда дедукцион ва индукцион ёндашувга асосланиб, Профессional таълим хизматларини ривожлантириш тамойилларини аниқлашда тадқиқот объектини кузатиш, эксперимент, кейс-стади, саволнома, этнографик методидан кенг фойдаланиш.

Профессional таълим сифатини оширишда инновацион ҳамкорликнинг ташкиллаштиришда илғор хориж тажрибалари асосида тадқиқот стратегияси ишлаб чиқилиши. Профессional таълим муассасалари инновацион ҳамкорлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Профессional таълим сифатини ошириш йўлининг ишончлилиги ва аниқлилиги текширилди. Таҳлил ва натижалар Ҳозирги кунда Профессional таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини тизимли ривожлантириш, инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш ва халқаро

алоқаларни ривожлантириш мақсадида техникумларда инновацион гуруҳлар ташкил этилиб, маълумотлар базаси яратилмоғи керак.

Дунё ва мамлакатимиз таълим тизими ҳолати таҳлилида нафақат таълим сифати балки, таълим хизматларини ташкил этиш, уларни баҳолашга оид ёндашувларда ҳам турлича қарашлар ҳамда мезонлар мавжудлигини кўриш мумкин. Таълим муассасаларининг ўзаро инновацион ҳамкорлиги самарадорлиги пастлиги ва ҳисоботлар учун ташкил этилиши. Юқорида қайд этилганидек, замонавий таълим тизимида нафақат кадрлар тайёрлаш билан шуғулланиш, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш механизмларини аниқлашга оид илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳам зарур ҳисобланади. Ўқув жараёнларини бошқариш технологиясида, таълим муассасалари ва уларнинг тизими, мултимедиа технологияларини кенг истиқболли ва оммабоп таълим технологияларда қўлламоқ. Уларда овоз, видео, аниматция ва бошқа турли визуал эффектли тасвирлар, матинлар ва маълумотларнинг бутун тўпламларини яратишга имконият беради. Интерактив интерфейс турли бошқарув механизмларини ўз ичига олади. Таълим жараёнларида комуникациялардан фойдаланиш уларни замонавий босқичи ҳар қандай машғулот турида компьютерларни эпизодик емас аксинча дарс бошланишидан то тугаллангунига қадар тизимли равишда ўқитиш воситаси сифатида ишлатишдан иборатдир. Бундай ҳолларда муаммо сифатида ўқувчининг ўзлаштириши керак бўлган курсини компьютерлаштириш методикаси орқали олиб боришдан иборат бўлади.

Масалан, Сингапур институти профессор-ўқитувчилар ва талабаларга турли конкурслар ташкил этиш ҳамда янги ташаббусларни амалиётга жорий этган. Мамлакатимизда ҳам таълим сифатини оширишнинг механизмларидан бири бўлган фан, таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини таъминлашда инновацион ҳамкорлик фаолияти тарафлари ҳамда унинг асосий субъектлари ҳисобланган профессор-ўқитувчи ва талабани рағбатлантириш механизмларидан фойдаланишга йўл қўйилса, бу соҳадаги ишлар ижобий натижа беради. Ушбу маълумотларнинг шакллантирилиши, мазмуни, ҳар янги ўқув йили бошланишида янгиланиши ва кафедраларда доимий сақланишига мутахассислик кафедралари мудирлари масъул ҳисобланади; Профессional таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари илмий-тадқиқот фаолияти натижасида яратилаётган ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш; ишлаб чиқариш базасида талабалар ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларини ташкиллаштириш ҳамда профессор-ўқитувчилар малакасини оширишни умумлаштиради, таҳлилдан ўтказди ва ягона ахборот базасини яратади. Ахборот базасида инновацион ҳамкорнинг номи, илмий-технологик муаммо мавзуси, муаммо моҳияти, талаб қилинадиган ечим ҳамда муаммонинг ечимидан кутилаётган натижага оид маълумотлар тўпланади. Жаҳон мамлакатларининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, айрим мамлакатлар ривожланган мамлакатлар томонидан босиб ўтилган босқичларда эришилган натижалардан фойдаланган ҳолда тезлик билан ўз тараққиётини сифат ўзгаришлари ва янгиликлар асосида ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ривожланган мамлакатларда янгиликларга асосланган тараққиётнинг амалга ошишида илмий-тадқиқот

муассасалари тармоқлари ўртасидаги боғланишнинг тўғри йўлга қўйилганлиги муҳим омил ҳисобланади. Европа Иттифоқи таркибидаги мамлакатларнинг барчасида ҳам инновацияларнинг амалиётга жорий этилиш тизими бир хил эмас, масалан, Франция ва Германиядаги олий ўқув юртларида инновациялар бевосита корхоналарнинг буюртмаси асосида иқтидорли талабалар ва магистрлардан иборат инновацион гуруҳлар томонидан яратилади.

Хулоса ва таклифлар

Профессионал таълим тизими сифатини ошириш тизимида интергацион жараёнларни янада жадаллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш етарли даражада самара бериши мумкин деб тавсия қиламиз. Хозирги кунда талабаларнинг билим олиш еhtiёжларини қондириш учун ўқитувчи ахборот таълим технологияларини тўлиқ ўзлаштирган бўлиши, ўз тажрибасини ошириш орқали ахборот тизимини чуқурлаштириб шу билан бирга технологиялардан ўз амалиётида фойдаланиши ва ижодий муносабатда бўлмоғи керак.

Инновацион ривожланишда таълим енг муҳим жихат саналади. Айнан таълим соҳаси инновациянинг дастлабки қадамларидир.

Профессионал таълим ўртасидаги инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

- Инновацион ҳамкорлик доирасида бажариладиган ишларда қатнашиб келаётган олимлар, талаба ёшларни мунтазам моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш;

- Профессионал таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг мақсадли тизимини йўлга қўйиш;

Медиа таълим воситалари ва шакиллари ўқитувчига ахборот коммуникацияларининг сўнги ютуқларидан фойдаланиш жараёнида касбий ўсиш ва ўзини такомиллаштириш имкониятини беради. Шунингдек замонавий таълимнинг мазмуни ва шакиллари янгилашга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “2017-2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Президенти фармони. 7-феврал 2017 йил

2. Ш. М.Мирзиёев. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. «Ўзбекистон» НМИУ, 2016 2. Махкамova М.А. Организация и управление инновационной деятельностью. – Т.: Иқтисодиёт, 2007.

3. Азарьева В.В. Разработка брэнда высшего учебного заведения как элемент построения системы менеджмента качества /В.В.Азарьева //Университетское управление. 2004. N 2(30).

4. Емельянова Н. З. Информационные системы в эконо-мике. М.: ИНФРА-М, 2009. 464 с

5. Анисимов П.Ф. Управление качеством среднего профессионального образования / Монография. / П.Ф.Анисимов, В.Е. Сосонко - Казань: Ин-т среднего проф. образования РАО, 2001. - 256 с.

6. Малинина Л. А. Основы информационных технологий: учебник для Вузов. М.: Издательский дом «Феникс», 2012